

ЎСМИР БОЛА ВА ОТА-ОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Зебо Тоғайназаровна Мўминова

Ўзбекистон Миллий университети магистратранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада оилада ўсмир бола ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар оилавий маданиятга боғлиқ эканлиги, яъни, оилада ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдек юксак ва маъсулиятли вазифа юклатилганлиги, ота – онанинг фарзандлар тарбиясига ўта маъсуллиги, оилада ўрнатилган намунали тартиб ва ижобий урф-одатлар болалар тарбиясига таъсир этиши тўғрисида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: психология, бола, тарбия, оила, педагогика.

THE PSYCHOLOGY OF THE RELATIONSHIP BETWEEN TEENAGERS AND PARENTS

ABSTRACT

The article emphasizes that the relationship between adolescents and parents in the family depends on the family culture, that is, the high and responsible task of raising young people in the family as a full-fledged person, the extreme responsibility of parents in raising children, exemplary family discipline commented on.

Keywords: psychology, child, upbringing, family, pedagogy.

КИРИШ

Маълумки, ёш авлод тарбияси жуда сермашаққат иш бўлиб, айниқса, ўсмирлик даври тарбияси ўзига хос хусусиятга эга. “Бола билан мулоқат қилиш санъатидан-да мураккаб санъат йўқдир”, деб ёзган машхур полшалик педиатр ва педагог Януш Корчак. Болалар билан ота-онанинг, умуман, катталарнинг мулоқати ва муносабати, айниқса, болалар ўсмир ёшига етганда ўта мураккаблашади, мулоқотнинг нозик қирралари кўпаяди. Педагоглар ва психологлар, сотсиологлар ва физиологлар, психиаторлар ва ҳуқуқшунослар – барча бир овоздан ўсмирлик даври инсон ҳаётидаги мураккаб ва инқирозли давр эканини тан оладилар. Мазкур даврни шахс шаклланишининг асосий босқичларидан бири деб ҳисоблайдилар.

АДАБИЁТЛАР МУҲОКАМАСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Машҳур немис психологи ва файласуфи Э.Шпрангер ўсмирлик ёшининг маданий – психологик концепциясида ривожланишнинг уч тури мавжудлигини ажратиб кўрсатган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи тур – кескин кризисли, шиддатли кечади ва ўсмир ўзининг иккинчи туғилишини ҳис этади, оқибатда янги “Мен” вужудга келади.

Иккинчи тур – ўсмирнинг катталиқ ҳаётида босиқлик, сокинлик узлуксиз сезилиб туради, унинг шахсиятида чуқур ва жиддий ўзгариш рўй бермайди.

Учинчи тур – бу ривожланишнинг шундай босқичи, ўсмир ўз ички кечинмаларини ва кризисларини маътонат билан енгиб, ўзини фаол англаган ҳолда шакллантиради ҳамда тарбиялайди. Дарҳақиқат, тиббиётчиларнинг аниқлашича, ўсмирлик даврида бола организмда катта ўзгаришлар юз беради. 12-13 ёшдан 16-18 ёшгача давом этадиган бу даврда жинсий безлар етилиб, ишлай бошлаши организмдаги барча жараёнларнинг кечишига, жумладан, вегетатив ва марказий нерв системасига таъсир қилади. Шу ёшга хос асаб ва эндокрин системасининг беқарорлиги натижасида ўсмирларда ҳам жисмонан, ҳам руҳан зўриқиш юз беради.

Ота-оналар ва педагоглар ҳамда тарбия билан шуғулланувчи бошқа кишилар ўсмирлар тарбияси ва таълимда худди шу ҳолатларни ҳам инобатга олишлари зарур. Суяклар ўсиши ва ўпка, юрак каби зарур органларнинг жадалликда катталаниши, мия ва асаб тизимининг ривожланиши каби анатомик-физиологик ўзгаришлар ўсмирнинг бутун руҳий фаолиятини шиддатли тарзда мураккаблаштиради.

Психолог П.И.Левентуевнинг фикрича, бу даврда тормозланиш жараёнига қараганда, уйғониш жараёнлари кучли суръатда содир бўлади. Кўпинча ўсмирларда кузатиладиган ўзини тута билмаслик, бирдан жўшиб кетиш ҳар нарсага майл билдириш, қизиқиш ва манфаатдорликдаги беқарорлик, баъзан ишчан ва баъзан “бекордан-бекорга дангаса бўлиб қолиш”, ҳолатларнинг асл сабаби ҳам шундадир. Ўсмирлик даврини инқирозли даврга айлантириб қуядиган сабаблар жуда кўп (болаларнинг жинсий етилиши, уларда катталиқ ҳиссининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, мустақилликка бўлган эҳтиёжининг кучайиши ва ҳ.к). Бироқ фарзанднинг “тилини топа олмаётган” у билан психологик алоқа ўрнатишга қийналаётган ҳар бир ота-онани фарзандидаги ўзгаришларнинг сабабларидан кўра шундай вазиятларда қандай йўл тутиш кераклиги, нима қилиш мумкинлиги кўпроқ қизиқтиради. Шу туфайли ушбу мақолада асосий урғу ўсмир ёшидаги болалар ва ота-оналар

Ўртасидаги психологик алоқани, мулоқатни яхшилаш учун нималар қилиш мақсадга мувофиқлигига қаратилди. Аввало, шунга эътибор қаратиш керакки, ўсмирлик ёшида ота-онанинг бола кўз ўнгидаги мавқеи бир мунча пасаяди. Мактабгача ёш даврида, кичик мактаб ёшида ота-онасини энг кучли, ақлли ва чиройли деб ҳисоблайдиган болалар ўсмирлик ёшига етиб, аслида уларнинг ота-оналарида ҳам талай камчиликлар борлигини пайқай бошлашади. Умуман, бу даврда тендошлар мавқеи ошиб, катталарга нисбатан танқидчан муносабат кучаяди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ота-она ва ўсмир бола ўртасида вужудга келувчи низоларга кўпинча куйидагилар сабаб бўлади: боланинг дўст ва ўртоқ танлашда адашиши, турли жойларга ва тадбирлага кўп бориши ҳамда у ерларда узоқ қолиб кетиши, кийиниши ва ташқи кўринишда антиқа ўзгаришлар қилиши, уй юмушлари бўйича турли топшириқларни бажармаслиги ёки айтиландай бажармаслиги, ака-укалар ва опа сингиллар тортишишлари, ота-она ва катта авлод вакилларига нисбатан ҳурматсизликни очиқ намоён этиши.

Ўсмир бола ҳамда ота-она ўртасидаги низо тушунмовчиликлардан бутунлай холи бўлган бирор оилани топиб бўлмайди. Аммо тадқиқотлардан маълум бўлишича, жуда жиддий низолар 15-20 % оилалардагина рўй беради. Ўртадаги низоларга қарамай кўпчилик ўсмирларга ота-оналарга ишонч, ҳурмат юқори даражада сақланиб қолади, ўсмир ота-онанинг мақтовларини ҳамда эътирофларини жуда юқори даражада қадрлайди. Мана шундай қадрни, ҳурматни, муносабатлардаги илиқликни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун психолог мутахассис ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги психологик алоқни яхшилаш мақсадига хизмат қилувчи ушбу тавсияларга кулоқ тутиш айни муддао бўлади:

1. Ота-она ва фарзандининг хулқ-атвори юзасидан ўзининг муносабатини билдирмоқчи бўлганда, “Сен--хабар” услубидан эмас, “Мен-хабар” услубидан фойдаланган маъқул. Бу дегани “Сен кеча айтганимни қилиб қўймабсан”, “Сен нега доим одамни жавдиратасан”, “Сен қаердан топдинг бу қилиқни” каби мулоҳазалар ўрнига “Мен кеча айтганимни қилиб қўймаганингдан бироз ранжидим”, “Мен ҳеч тушунмайман нега одамни жавдиратаверасан”, “Мен билмадим, бу қилиқни қаердан топдинг” каби мулоҳазаларни ишлатиш керак. Зеро, бу болага бўлган ҳурмат ва ишончни намоён этади, ўртадаги қарама-қаршилиқни анчагини сусайтиради.

2. Ота-она боланинг бирор фикрини маъқулламоқчи бўлганда, шунчаки “ҳа” ёки “майли” деб айтишдан кўра қуйидаги турдаги мулоҳазалардан фойдалангани маъқул: “Агар сен шундай қилишни хоҳлаётган бўлсанг...”, “Майли, сен айтгандай бўлсин”, “Сенинг бундай қилишингга мен қарши эмасман”, “Буни мен эмас, сен ҳал этасанку”. Зотан, бу ота-она болага мустақил шахс сифатида ишонаётганини, унинг шахсий мустақиллигини тан олаётганлигини кўрсатади.

3. Ота-она фарзандига ниманидир тақиқламоқчи бўлганида, қуйидаги мулоҳазаларни берилган кетма-кетликда билдирадиган бўлса, бола тақиқни унчалик оғир қабул қилмайди:

а) ота-она болада муайян истак пайдо бўлгани ўринли эканини тан олади – “Биз бугун кинога боргинг келаётганини яхши тушуняпмиз”;

б) ота-она боланинг бирор ҳаракати бўйича тақиқни аниқ белгилайди – “Лекин биз сенга рухсат бера олмаймиз, чунки эртага мактабга тайёрлаб боришинг керак бўлган вазифаларинг кўп”;

д) ота-она болага ўз истагини бошқа ҳолатда амалга ошириш имконияти тўғрисида айтиб “Шанба куни эса бўш вақтинг кўпроқ бўлади, эҳтимол шу куни бориш тўғри бўлади”;

с) ота-она болага оилада ҳукм сурувчи тартиб қоидаларга норозилик билдириши учун ёрдам бериб юборади – “Шубҳасиз, сен бундай таклифлар бўлишини хоҳлардинг”, “Албатта, ҳозир рухсат бермаётганимиз сенга ёқмаяпти”, “Балки, биз умуман нотўғри қиляпмиз деб, ҳисоблаётган бўлсанг ажаб эмас”.

Энг муҳими, айтилаётган тақиқлар бола шаънини камситмайдиган шаклда билдириши керак. “Ўзинг яхши биласан, иш кунлари кинога борганда, бошқа муҳим ишлар қолиб кетиши мумкин”, деб айтган маъқул.

4. Ота-она бола улғайиб бўлган сайин оилавий муҳокамаларда унинг овози ҳам аста-секин кўп нарсаларни ҳал этадиган даражага етиши учун шароит яратиш керак. Турли муаммоларни муҳокама қилишда, баҳсларда ота-она ўзини ноҳақлигини тан олишдан қўрқмаслиги лозим. Борди-ю ўртада низо юзага келса, ота-она биринчи бўлиб, муросага келиши мақсадга мувофиқ. Бунда ота-она ўз фикрларини “Кечирасан, мен сени яхши тушунмадим шекилли. Бироз қизишиб, айрим кераксиз нарсаларни айтиб юборганга ўхшайман. Ҳозир мен бироз шошганимни билиман, сени тушунишни жуда-жуда хоҳлайман. Қани кел, бир бошидан катта одамлардек гаплашиб оламиз” деган сўзлар билан бошлагани маъқул.

ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда, бола билан мулоқатда ота-онадан хақиқий ижодкорлик, эгилувчанлик муносабат, тоғдек бардош талаб қилинади. Фарзанд билан алоқани, эркин ва самимий мулоқатни йўқотиш фарзанднинг ўзини йўқотиш билан баробарлигини вақтида англаб етиш айни муддаодир.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т “Маънавият”.55 – 56 б.
2. МуҳаммадДўст М., Мусурмонова О., Рискіев Т. вабошқалар. Соғлом авлод - бизнинг келажагимиз Т. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2000й.27 б.
3. Э.Ғ.Ғозиев.Социал психология.”Ношир” наштиёти. Тошкент. 2012 й.175 бет.
4. Ҳ.Узоқов.Э.Ғозиев.А.Тожиев. Оила этикаси ва психологияси “Ўқитувчи”. Тошкент. 89 бет